

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИ
НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Кодиров Мансур Холёрович
*ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиши департаменти
бошлигининг биринчи ўринбосари*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жиноят процессида далилларнинг мақбуллиги, уларнинг сифатлилиги кафолатлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қатъий риоя этиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид талаблари жиноят-процессуал фаолияти сифатини оширишни тақозо этади. Мамлакат жиноят қонунчилиги сиёсатини либераллаштириш жараёнлари қизғин паллага кирган ҳозирги давр шароитларида ушбу вазифани ҳал қилиш жиноят ишлари бўйича исбот қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан янада самарали фойдаланиш йўли билан таъминланиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнида тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи қонунчилик эндиғина шаклланиш босқичини бошдан кечирмоқда, бундан буён унга аниқлик ва қўшимчалар киритилади. Бунда тезкор-қидирув фаолияти жараёнида тезкор материалларни олишнинг тезкор-қидирув шакллари билан амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида уларнинг тегишли акс эттирилиши мос келиши лозимлигини назардан қочирмаслик мухимдир.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳар қандай қонунни қўллашнинг самарадорлиги унинг сифатига, унда белгиланган нормаларнинг пухталик даражасига, тартибга солиш предметининг барча жиҳатлари тўлиқ ва аниқ акс эттирилганига боғлиқ бўлади. Тезкор-қидирув қонунчилиги ҳали ёшлиги ва у билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар мураккаблиги туфайли, бундан буён такомиллаштириб борилади. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунни амалга ошириш амалиёти ҳам буни тасдиқлайди. Бу табиий бир ҳолдир. Зоро, ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, криминал вазият ҳам ўзгаради, жиноятчилар жиноий қилмишларни содир этишнинг янги усувларини ўйлаб топадилар, жиноятчиликка қарши кураш назарияси ва амалиёти, шу жумладан тезкор-қидирув фаолияти ижобий ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда жиноятчиликни камайтириш чораларини ишлаб чиқади. Бу эса, тезкор-қидирув фаолияти назарияси ва амалиёти жадал ривожланишини ва жиноятчиликка қарши кураш соҳаси бўлғуси мутахассисларига тегишли билимлар бериш талаб этилишини англаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКга кўра Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари сифатида жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва хукм қилинмаслиги учун айбордорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатлиги белгиланган.

Бунда жиноят ишларини юритишининг жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартибига риоя этиш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этиш алоҳида таъкидланган.

Тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланиш уларнинг ўз навбатида суриштирув органлари, терговчи ёки судга тақдим этилишини назарда тутади. Яъни, тезкор-қидирав фаолият натижалари муайян жиноят ишини тергов қилишга ваколатли бўлган прокурорга ёки тегишли дастлабки тергов органларига тақдим этилади¹.

Жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида терговчи тезкор йўл билан олинган маълумотларга эга бўлар экан улардан тергов ҳаракатларини амалга оширишда ёки жиноят ишларида далиллар сифатида фойдаланиши мумкин. Терговчи томонидан тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан фойдаланиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, чунки тезкор ҳужжатлар мустақил аҳамиятга эга бўлмай, балки фақат терговни йўналтиришга хизмат қиласди. Бунда ушбу маълумотлардан уларнинг яширин усууллар билан олинганлигини ошкор қилмасдан фойдаланиш муаммоси вужудга келади. Терговчига жиноятнинг процессуал йўл билан исботланмаган ҳолатлари тўғрисидаги, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг шериклари ҳақидаги ҳамда жиноят содир этишда қўлланилган қуроллар тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бошқа маълумотлар тақдим этилиши мумкин. Бундай маълумотларни олгач, терговчи гумон қилинувчи (айбланувчи)ни қўшимча сўроқ қилиш, тинтувни тўғри ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш натижасида зарур далилларни тўплаш² имкониятига эга бўлади .

Терговчи жиноят содир этган шахс аниқланмаган жиноятлар юзасидан суриштирув органларига, шу жумладан тезкор-қидирав ходимларига жиноят содир этишда гумон қилинувчи шахсни (бу ерда гап расмий равища гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахс тўғрисида кетаётгани йўқ) сўроқ қилиш тергов ҳаракатини амалга оширишни топшириши

¹ Зажицкий В.М. Использование результатов оперативно-розыскной деятельности / Комментарий к Федеральному закону «Об оперативно-розыскной деятельности» под ред. Шумилова. - М., 1997. -С.108.

² Громов Н.А.,Францифоров Ю.В., Гришин А.И. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания / Следователь. 1999. №11. С. 39; Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Ташкент-«Ўзбекистон», 1995. С. 55.

мумкин. Чунки, тезкор-қидирав ходимлар тезкор маълумотлар билан яхшироқ танишган ва улардан фойдаланиш қўникмаларига эга эканликлари учун ҳам тезкор маълумотлардан самаралироқ фойдаланган ҳолда сўроқ қилиш жараёнида ҳақиқий кўрсатувлар ола биладилар.

Бир қатор тезкор-қидирав тадбирларини амалга ошириш жараёнида қўлга киритилган жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва текширишга қаратилган келгуси тергов ҳаракатларини тўғри танлашга ёрдам берувчи йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Шунга яқин фикрни Б.А.Азизхўжаев ҳам билдиради³.

Тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Чунки тезкор-қидирав тадбирининг яширин ҳарактерини сақлаган ҳолда унинг натижаларини изоҳлаб бериб, тезкор ахборотни далилга айлантириш усувларини топиш керак бўлади.

Шундай қилиб, жиноят жараёнида тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан хусусан, дастлабки терговда фойдаланиш муаммоси бугунги кунда айниқса, долзарб аҳамият касб этмокда. Бу эса, биринчи навбатда уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, унинг ихтисослашуви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қаршилиқ кўрсатишнинг фаоллашуви, гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқа шахсларга қарши қаратилган зўрлик, қўрқитиш ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқdir. Ошкора ва яширин ўтказиладиган ТҚФ шунга ваколатли бўлган давлат органлари, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирав тадбирларининг давлат ва жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, мулк ва шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўз моҳиятига кўра ТҚФ криминал муҳитни ўрганишни англаатади. Унинг ҳужжатлари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра суриштирув ҳаракатлари натижаларидан фарқли ўлароқ жиноят ишлари бўйича бевосита далиллар сифатида ишлатилиши мумкин эмас. Тезкор маълумотлар ҳам ҳудди далилларники каби манбага эга бўлса-да, бироқ уларнинг шакллари далилларнидан жиддий тафовут қиласи. Улар ўзларида акс этган ахборотларнинг ишончлилик даражаси билан далиллардан фарқланади.

Умумий манбанинг мавжудлиги жиноят ишлари бўйича исбот қилишда ТҚФ натижаларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Нарса ва ҳужжат шаклида бўлган ТҚФ натижалари бир қатор жиноят-процессуал талабларга жавоб берса, далилларга айланиши ва улардан далил сифатида фойдаланиш мумкин.

ТҚФ натижалари юқорида таъкидланганларга қўшимча равишда қўйидаги йўналишларда фойдаланилиши мумкин:

³ Ўша ерда, С.55.

ахборотларнинг жойлашган жойини кўрсатишида;
фуқароларнинг конституциявий ҳукуқларини чеклаш билан боғлиқ тадбирлар натижасида нарсалар ва ҳужжатларни қўлга киритишида;
сигнал кўринишида (хабар берувчидан олинган яширин ахборот).

Шунингдек, юқоридаги натижалар қўйидагилар сифатида ҳам қўлланилиши мумкин:

жиноят ишини қўзгатиш учун сабаб сифатида (асос сифатида эмас);
тергов ҳаракатларига тайёрланиш ва уларни ўтказишга йўналтирувчи ахборот вазифасини ўтайди;

ЖПКда белгиланган тартибга риоя қилингандан кейин олинган ҳақиқий маълумотларнинг манбалари сифатида.

Улар ҳақиқий маълумотлар сифатида қўлланилиши, уларни маълум қилган шахслар эса гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари⁴ лозим.

Бироқ тезкор маълумотлар жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнида қўллашнинг асосий усулларидан бири бўлиб уларни терговчига ёки суриштирув органларига ўз ташаббуси билан тақдим этиш ёки бундай маълумотларнинг терговчилар томонидан талаб қилиб олиниши ҳисобланади. Бу усул билан олинган маълумотларга уларни кўздан кечириш, турли хил экспертизалар ўтказиш, тезкор-қидирув тадбирларини бевосита амалга оширган шахсларни сўроқ қилиш мобайнида тегишли процессуал шакл берилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган видеоёзувнинг далилга айланиш жараёнини мисол сифатида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Вideoёзув қўйидаги талабларга жавоб берсагина, ашёвий далилни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин:

ТҚФ амалга оширишга ваколатли орган томонидан расмий равища тақдим этилган бўлса;

видеоёзувни олиш жараёнини (вақти, куни, жойи, унинг олиниш шароити ва муҳити, қўлланилган аппаратуранинг техник ҳолати, видеоёзувни олган шахс тўғрисида) ўзида акс эттирган ҳужжат (билдирги, маълумотнома, далолатнома) мавжуд бўлса.

Видеоёзувнинг жиноят ишига алоқадор бўлган ўзига хос томонлари, унинг хусусиятлари ва ҳолати тегишли техник воситалар ёрдамида керакли мутахассисларни жалб этган ҳолда терговчи томонидан холислар иштиро-кида кўздан кечирилганлиги, яъни уларни ўз кўзлари билан кўриб ишонч ҳосил қилганликлари тегишли тартибда кўздан кечириш баённомасида қайд этилиши лозим.

Терговчи видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолатини ашёвий далилнинг

⁴ Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии / Следователь. 1997. №4. С. 41.

мазмуни сифатида тан олганидан кейин уни ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор чиқариши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу мисолдаги ашёвий далилнинг мазмунини жиноят ишига алоқадор бўлган, уни кўздан кечиришда ажратиб олинган ва баённомада акс эттирилган видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолати ташкил этади. Видеоёзувнинг хусусиятлари ва ҳолати видеоёзувдан ажратилиб бўлмаслиги туфайли у шундайлигича ашёвий далилдир. Хулоса қилиб айтганда, тезкор-қидирув фаолиятининг натижаси бўлмиш видеоёзув эмас, балким уни бевосита кўздан кечириш ва қарор чиқариш вақтида шаклланган жиноят-процессуал фаолият натижаси ашёвий далил ҳисобланади.

Жиноят иши бўйича бошқа далиллар каби ушбу ашёвий далилни баҳолаш видеоёзувни ашёвий далил сифатида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқарилганидан сўнт амалга оширилиши мумкин. Жиноят-процессуал фаолиятининг асосий мақсадларидан бири ТҚФ натижаларини текширишдан иборат бўлмай, балки ушбу фаолият давомида жиноят иши бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин бўлган далилларни шакллантиришдан иборатдир.

Жиноят-процессуал тартибда расмийлаштирилган нарсалар ҳали далил ҳисобланмайди. Нарсани ашёвий далил сифатида тан олиш учун унинг жиноят ишига алоқадорлигини аниқлаш лозим. Буни тезкор ходимларсиз (аниқроғи, тезкор-қидирув тадбирларини юритиш чоғида нарсаларни аниқлаган шахслар) ёки агар ТҚФни юритувчи органларга ёрдам берган шахсларнинг тезкор-қидирув тадбирларида иштирок этиши натижасида ушбу нарса қўлга киритилган бўлса, ушбу шахсларни сўроқ қиласдан туриб, амалга ошириб бўлмайди. Айрим муаллифлар «ТҚФни амалга оширувчи орган раҳбар ходимининг унга бўйсунган ходимлар ёки у билан ҳамкорлик қилувчи шахслар томонидан бевосита идрок этилган ҳодисалар юзасидан уларнинг хабарлари, сўзларидан маълум бўлган ўша ҳодисалар бўйича» кўрсатмалари далил сифатида олиниши мумкинлигини билдирганлар⁵. Фикримизча, бунга йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу ҳолда ахборотлар манбаси билан алоқа йўқолади, шунингдек, ахборотнинг шаклланиш ва олиниш босқичи эътибордан четда қолади, чунки мазкур шахс тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш жараёнини бевосита идрок этмайди.

ТҚФ натижалари баённома билан расмийлаштирилишига қарамай, улар жиноят иши бўйича далил ҳисобланмайди. ТҚФ натижаларини мустаҳкамлаш вақтида ушбу маълумотларнинг жамоат вакиллари (холисларга ўхшаш) томонидан тасдиқланиши мумкинлиги тўғрисида фикр билдирилган бўлиб, бизнингча, бундай қоида ТҚФнинг махфийлик тамойилиги зиддир. Бундан

⁵ Вопросы использования материалов оперативно-розыскной деятельности на предварительном следствии / Следователь. 1997.№4. С. 42.; Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан -Алматы, 2001. Ст. 130.

ташқари, ушбу шахсларни сўроқ қилишда ҳам бир қанча қийинчиликлар туғилиши мумкин.

Тезкор ахборот манбаси тўғрисидаги масала ҳам жуда муҳим. У ҳақидаги маълумотларнинг мавжуд бўлиши мажбурийдир. Бу нафақат ушбу маълумотларни кейинги текшируви билан, балки гумон қилинувчини сўроқ қилишда ТҚФ натижалари материаллари билан таништириш чоғидаги муаммолар билан ҳам боғлиқдир. Ишда манбаси қўрсатилган нарса ва ҳужжатларгина тақдим этилиши мумкин, чунки тақдим этилиш факти мазкур нарса ва ҳужжатларнинг олиниш манбаси қўрсатилган ҳолда баённомада қайд этилиши лозим. Сўроқ қилинаётган шахс ушбу маълумотларнинг баённомага киритилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Тезкор-қидирав фаолиятини амалга ошириш чоғида қўлланиладиган техник воситалар тўғрисида терговчига маълумот бериш доираси ва мажбурияти ҳақидаги масала ҳам долзарб масалалардан биридир. «ТҚФ тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, улар давлат сирини ташкил этади ҳамда ТҚФ органи бошлиқининг қарори асосида ошкор этилиши лозим. Гарчи тезкор ҳужжатларда қўлланилаётган аппаратларнинг техник хусусиятлари акс эттирилишининг мажбурийлиги тўғрисида сўз юритилмаган бўлса-да, ушбу маълумотларнинг тезкор ҳужжатларда қайд этилиши мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш керак. Масалан, агар фотоаппаратнинг техник ҳолати тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, унда чиқарилган фототасвир бўйича нарсанинг ҳақиқий ўлчамларини аниқлаш мумкин бўлади. Айниқса, нарса йўқ қилиб юборилганида, бу жуда муҳимдир. Нарсани кўздан кечириш чоғида тезкор-қидирав тадбири вақтида қўлланилган техник воситалардан фарқли бошқа техник воситалардан фойдаланиш тегишли манбаларда акс этган факт ва маълумотларнинг бузилишига олиб келиши, бунинг натижасида эса уларнинг жиноят ишига алоқадорлигини аниқлашда қийинчиликлар туғдириши мумкин. Агар ахборотни бунинг учун зарур бўлган техник воситанинг хусусиятлари ноаниқлиги туфайли қайта тасвирлаш мумкин бўлмаса, тақдим этилган ташувчилардаги ахборотдан фойдаланиб бўлмайди.

Жиноят иши бўйича исбот қилишда ТҚФ натижаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорда тезкор ҳисоб ишларида мавжуд ва иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун ўта зарур бўлган маълумотларнинг жиноят ишига алоқадорлиги ҳамда мазкур маълумотларнинг жиноят процессига киришида восита бўлиб хизмат қилувчи далил турини танлаш билан боғлиқ масалаларга бериладиган ижобий жавобларгина эмас, балки тергов ва одил судлов органларига исбот қилиш жараёнида тегишли далилларни шакллантириш, текшириш ва баҳо бериш учун зарур бўладиган маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ масалалар ҳам акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида санаб ўтилган масалалардан ҳаттоки биттасига салбий жавоб берилиши исбот қилиш жараёнида ТҚФ натижаларидан фойдаланиб бўлмаслигига олиб келади.

Юқорида таъкидланганидек, ТҚФ давомида олинган маълумотларни жиноят процессига киритиш ЖПКталаблари асосида тақдим этиш йўли билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Тезкор маълумотларни киритишнинг муайян усуслари олинган ахборотнинг турига боғлиқдир.

Адабиётларда тезкор-қидирув йўли билан олинган маълумотларни икки турга бўлиш қераклиги ҳакида фикрлар мавжуд. «Хусусий» - ахборот, исбот қилишда фақатгина мазкур ахборотга эга бўлган шахсдан кўрсатув-лар олиш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлган ахборотдир. «Ашёвий» - агар тақдим этилган объектга процессуал шакл бериш имконияти бўлса, у мустақил процессуал аҳамиятга эга бўлиши мумкин, масалан, ашёвий далиллар.

Бундай нарса ва ҳужжатларни олиш жараёнида манфаатдор бўлмаган шахсларнинг (жамоатчилик, фуқаролар, маъмурият вакиллари) иштирок этиши тавсия этилади. Бундай ҳолларда турли далолатномалар (кузатиш, пуллар, ҳужжатларга люминофорлар билан белгилар қўйиш далолатномалари) тузилади. Манфаатдор бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини оширади, кейинчалик нарса ҳамда ҳужжатларни кузатиш ва олишда иштирок этган шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш имкониятини беради. Олинган материаллар ЎзР ЖПКнинг 204-моддаси талабларига тўлиқ жавоб беради ва далиллар манбаи бўлган ҳужжатлар ҳисобланади, чунки иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар фуқаролар ва тегишли мансабдор шахслар томонидан тасдиқланади. Бунда қўлга киритилган нарсалар улар қабул қилинганидан ва кўздан кечирилганидан кейин ашёвий далил аҳамиятига эга бўлиши мумкин. Тезкор-қидирув ходимлари яширин олинган нарса ва ҳужжатларни терговчига тақдим этиш учун билдирги ёки маълумтонома тузадилар. Тақдим этилган далилларни қабул қилишнинг процессуал тартиби нима қабул қилинаётганлигига боғлиқ бўлади, яъни нарса бўлса, бунда холислар ёки мутахассислар жалб этилиши мумкин, агар ҳужжат бўлса, иш материалларига белгилар қўйиш етарлидир.

Тезкор-қидирув ходимлари томонидан билдиргиларни расмийлаштириш яширин қўлга киритилган нарса ва ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда объектларни жиноят процессига киритишнинг энг қулай йўли бўлиб ҳисобланади. Тезкор ходимнинг билдиргиси тақдим этилган нарса ва ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисида терговчи томонидан баённома тузилишини истисно қилмайди. (ЎзР ЖПКнинг 202-моддаси). Юқорида кўрсатилганидек, билдирги ва қўлга киритилган нарса ёки ҳужжат биргаликда бир бутун далилни ташкил қиласди.

Нарса ва ҳужжатлар шунингдек, ошкора ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ҳам олиниши мумкин. Кўпинча бундай вазият жиноят иши қўзғатилгунга қадар жиноят тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида очилганида юз беради. Бундай зарурат нарса ва ҳужжатларни процессуал йўл билан олишнинг иложи бўлмагандага қўзғатилган жиноят ишлари бўйича ҳам туғилади. Бундай ҳолларда нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий тошириш тўғрисида тезкор-қидирув ходимлари томонидан икки гувоҳ иштирокида баённома тузилади. Бу эса мазкур баённомаларни ЖПКнинг 87, 198 ва 200-моддалари тартибида тақдим этилганидан сўнг далил сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Уларни ишга қўшгач, терговчи баённома тузган шахсни ва гувоҳларни сўроқ қилиши мумкин. Бироқ бундай баённомаларни тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари билан тенглаштирмаслик керак, чунки уларнинг процессуал мақоми турличадир. Процессуал ҳаракатлар баённомалари ўз-ўзича далил манбалари бўлса, тезкор-қидирув тадбирлари давомида тузиладиган баённомалар олдин терговчига тақдим этилиши ва у томонидан ишга қўшиб қўйилиши лозим. Тегишли баённомаларда қайд этилган ТҚФ натижалари далилларнинг «бошқа ҳужжатлар» каби тури орқали жиноят процессига кириши мумкин.

Жиноятларни очища ошкора ва яширин тадбирларни биргаликда олиб бориш талаб қилинади. Н.А.Громов, Ю.В.Францифоров ва А.М.Гришинларнинг ҳақли фикрларича, жиноятларни очиш жараёнини қўйидагича тасаввур этиш мумкин: ахборотни яширин манбадан олиш, комплекс яширин тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, сўнг олинган материаллар ва иш ҳолатларига ҳараб ошкора тезкор-қидирув тадбирлари ёхуд тергов ҳаракатлари ўтказиш.

Буни схематик тарзда қўйидагича тасаввур қилиш мумкин. *Яширин манбадан олинган дастлабки маълумотлар кейинги тезкор-қидирув тадбирлари комплексини ўтказишга, бу тадбирлар мобайнида тўпланган маълумотлар эса жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиб хизмат қиласди. Ниҳоят, тезкор-қидирув материаллари терговчи томонидан жиноят ишига қўшиб қўйилади ва қўйидаги тарзда далил сифатида фойдаланилади: олиб қўйилган нарсалар — ашёвий далиллар сифатида; тезкор-қидирув ходимларининг билдиргилари ҳамда тогиши ва олиб қўйиш баённомалари — ёзма далиллар сифатида; тезкор-қидирув ходимлари ва холисларни сўроқ қилгач, уларнинг берган кўрсатувлари гувоҳ кўрсатувлари каби далил манбаи сифатида фойдаланилади⁶.*

Яширин видеотасвирга олиш билан ўтказилган тезкор-қидирув тадбири натижасида олинган ҳақиқий маълумотларни қўллашда бир қатор муаммолар

⁶ Громов Н.А. и др. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания / Следователь. 1999. № 11. С. 44-45.

туғилади. Жиноят иши учун аҳамиятли бўлган фактларни ўзида мужассам эттан видеоёзув ашёвий далил мазмунини ташкил қилиши мумкин. Бунинг учун видеоёзувнинг жиноят ишига алоқадор хусусиятлари терговчи, суд, холислар томонидан кўздан кечириш тергов ҳаракати давомида идрок этилиб, кўздан кечириш баённомасида қайд этилиши лозим. Бу хусусиятларни ашёвий далил деб топиш ва видеоёзувни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида қарор чиқарилиши керак. Бундан ташқари, видеоёзув олинган жой ва вақт, аппаратуранинг техник тавсифи тўғрисидаги, видеоёзув олинган шароит ва уни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар ҳам баённомага киритилиши зарур. Бу шахс гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин. Видеоёзув ўз-ўзича ашёвий далил деб тан олинади, зеро унинг кўздан кечиришда аниқланган ва иш учун аҳамиятли бўлган хусусиятлари видеоёзувдан ажралмасдир. Видеоёзув шаклидаги ТҚФ натижалари ашёвий далилларнинг шаклланишига қўйиладиган талабларга мувофиқ жиноят процесига киритилганидан сўнг далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин.

Махфий кузатишлар кўпинча жиноий гурухга тегишли бўлган ва жиноий йўл билан топилган нарса ва ҳужжатлар сақланаётган бино аниқланганида ахборот тўплаш мақсадида амалга оширилади. Бундай тезкор тадбирнинг натижасидан гувоҳлар кўрсатувлари орқали исбот қилишда фойдаланса бўлади. Кузатувни амалга оширган тезкор-қидирав ходими гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин, унинг кўрсатувлари мазмунини жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ва унинг ўзи томонидан мазкур тезкор тадбир ўтказиш шароитида идрок этилган фактлар ва ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар ташкил этади.

Е.А.Доля шу тарзда гувоҳлар кўрсатувлари орқали жиноят процесига тезкор-қидирав фаолиятини юритувчи органлар билан махфий (конфиденциал) асосда ҳамкорликка жалб этилган шахслардан олинган маълумотларнинг киритилишини таклиф қиласди. Бу маълумотлар ТҚФни амалга оширувчи органларнинг ҳужжатлари сифатида жиноят процесига кириши мумкин эмас. Бироқ бундай шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш йўли билан зарур маълумотларни олиш тўғрисидаги таклифнинг мақбуллиги шубҳалидир. Е.А.Доля ўзининг таклифини, яъни жиноят-процессуал қонунчилиқда мазкур шахслардан олинган маълумотларни сир сақлаш кафолатлари мавжудлиги билан асослантиради (масалан, РФ ЖПКнинг 18-моддасига биноан, суд мажлисининг ёпиқ тарзда ўтказилиши). «Шу сабабли ТҚФни амалга оширувчи органларга яширин асосда ёрдам берувчи фуқародан уни сўроқ қилишда зикр этилган ҳамкорлик натижасида унга маълум бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин эмас, деган нуқтаи назарга қўшилиш қийин. Акс ҳолда, бундай гувоҳлар кўрсатувларини текшириш ва баҳо бериш, демакки, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш имконияти истисно этилади, бунга эса йўл қўйиб

бўлмайди⁷. Адабиётларда таъкидланишича, юқоридаги таъриф мунозарали ҳисобланади. Амалиёт нуқтаи назаридан, бу шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш бир неча сабабларга кўра мақсадга мувофиқ эмас. Биринчидан, ТҚФни амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга розилик бера туриб, шахслар бу фактнинг сир сақланиши талабини қўядилар, шу сабабли ҳам улардан бу маълумотларни ошкор қилишга розилик олиш мумкин эмас. Иккинчидан, шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши кейинчалик улар билан махфий асосда ҳамкорлик қилиш имкониятини йўққа чиқаради. Учинчидан, шахс тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши жинойи гурухлар томонидан удан ўч олинишига олиб келиши мумкин. Айни вақтда, махфий ҳамкорликнинг сир сақланиши бу шахс эга бўлган ахборотдан жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин эмас, дегани эмас. Бу ахборот бошқа тезкор-қидирав тадбирларини ўтказишга асос сифатида хизмат қилиши мумкин, бу тадбирлар натижасида кейинчалик далил сифатида легаллаштириладиган маълумотлар олинади⁸. Шунга яқин фикрни Н.П.Кузнецов ҳам таъкидлаб ўтади⁹.

Шундай қилиб, жиноят ишлари бўйича исботлаш жараёнида хусусан, дастлабки терговда тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммоси бугунги кунда айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса, биринчи навбатда уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, унинг ихтисослашуви, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга қаршилиқ кўрсатишнинг фаоллашуви, гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқа шахсларга қарши қаратилган зўрлик, қўрқитиши ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқдир. Ошкора ва яширин ўтказиладиган ТҚФ шунга ваколатли бўлган давлат органлари, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидирав тадбирларининг давлат ва жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, мулк ва шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади. Тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланиш жиддий қийинчиликлар туғдиради. Чунки тезкор-қидирав тадбирининг яширин характерини сақлаган ҳолда унинг натижаларини изоҳлаб бериб, тезкор ахборотни далилга айлантириш усулларини топиш керак бўлади. Чунки Тезкор-қидирав фаолияти натижалари ўзининг ҳукуқий табиатига кўра суриштирув ҳаракатлари натижаларидан фарқли ўлароқ жиноят ишлари бўйича бевосита далиллар сифатида ишлатилиши мумкин эмас. Тезкор маълумотлар ҳам ҳудди далилларники каби манбага эга бўлса-да, бироқ уларнинг шакллари далилларнидан жиддий тафовут қиласи. Улар ўзларида акс этган ахборотларнинг ишончлилик даражаси билан далиллардан фарқланади.

Умумий манбанинг мавжудлиги жиноят ишлари бўйича исбот қилишда

⁷ Доля Е.А. Использование результатов ОРД в доказывании по уголовным делам / Российская юстиция. 1994. №6. С. 43.

⁸ Громов Н.А. и др. Основные направления использования результатов оперативно-розыскной деятельности в процессе доказывания / Следователь. 1999. №11. С. 46.

⁹ Кузнецов Н.П. Доказывание в стадии возбуждения уголовного дела // Автореф. дис...канд. юрид. наук. Харьков. 1980. -С. 12.

ТҚФ натижаларидан фойдаланиш имкониятини беради. Нарса ва ҳужжат шаклида бўлган ТҚФ натижалари бир қатор жиноят-процессуал талабларга жавоб берса, далилларга айланиши ва улардан далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Жиноят ишини қўзғатишдан олдин олинган маълумотлар (ТҚФ натижалари)дан қўйидаги йўналишларда фойдаланиш мумкин:

1. Жиноят ишини қўзғатиш учун;

2. Тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш учун асос сифатида;

3. Жиноят процессуал қонун ҳужжатларининг далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қоидаларига асосан жиноят иши бўйича исботлашни амалга оширишда;

4. Суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, шунингдек, жазони ўташдан бўйин товлаётган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни қидиришда.

5. Нарса ва ҳужжатларнинг жойлашган жойини кўрсатишда;

6. Фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини чеклаш билан боғлик тадбирлар натижасида нарсалар ва ҳужжатларни қўлга киритишда;

7. Сигнал кўринишида (хабар берувчидан олинган яширин ахборот).

8. ЖПКда белгиланган тартибга риоя қилингандан кейин олинган ҳақиқий маълумотларнинг манбалари сифатида.

Бироқ тезкор маълумотлар жиноят ишлари бўйича исбот қилиш жараёнида қўллашнинг асосий усулларидан бири бўлиб уларни терговчига ёки суриштирув органларига ўз ташаббуси билан тақдим этиш ёки бундай маълумотларнинг терговчилар томонидан талаб қилиб олиниши ҳисобланади. Бу усул билан олинган маълумотларга уларни кўздан кечириш, турли хил экспертизалар ўтказиш, тезкор-қидириув тадбирларини бевосита амалга оширган шахсларни сўроқ қилиш мобайнида тегишли процессуал шакл берилиши мумкин.